

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
23-avgust,
seshanba

№ 99-100
(3761)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октяб-ридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2016 йилнинг 1 октяб-ридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида энг кам:

иш ҳақи — ойига 149 775 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 292 940 сўм;
болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдоридида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланидиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилот-

лари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октяб-ридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2016 йил 24 август куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 23 август куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойе-сида рўйхатга олинади.

Қутлуғ байрамга муносиб тўхфа

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари ўн уч медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмадикларини амалда яна бир бора исботладилар.

Эркин ва мустақил фикрга эга, соғлом ва маънан баркамол инсон — жамият тараққийнинг асосидир. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг илг кунлариданоқ соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиши учун яратилган имкониятларга бугун дунё ҳавас қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган даъвати бугун ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда.

»(8).



Ҳасанбой Дўстматов
бокс бўйича олтин
медал соҳиби



Руслан Нурудинов
оғир атлетика бўйича
олтин медал соҳиби




Шаҳобиддин Зоиров
бокс бўйича олтин
медал соҳиби



Фазлиддин Ғоибназаров
бокс бўйича олтин
медал соҳиби

«Президентга мактублар» китобининг тўртинчи жилди нашрдан чиқди

«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг навбатдаги — тўртинчи жилди чоп этилди.



Ушбу китобдан 2013 — 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, танкичи сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Мазкур хатларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёқарашига кўра бир-бирдан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар ҳолис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият — она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч билан тўқиб турганини яққол ҳис қиласиз.

Ватанимизнинг турли ҳудудларидан Юртбошимиз номига юборилган хатлар Ўзбекистоннинг бугунги тараққийёт манзарасини, барча соҳа ва тармоқларда эришяётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг юртдошларимиз ҳаётига қўрсатаётган ижобий таъсирини бамисоли эркин кўзгудек намойиш этиши билан ахамиятлидир.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз аввало ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ҳодисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажаққа катта ишонч билан яшашмоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош ғояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйғуларини ифода этилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, халқимиз доимо яхшиликка интилиб, яхшиликни қадрлаб яшайди.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг фуқаролик позицияси тобора мустақамлашиб бораётганидан далолат беради. Бу айни пайтда халқимиз ижтимоий кайфиятининг муҳим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактуб ўқувчисидадан тортиб кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилла-

ридан тортиб ҳарбий хизматчиларгача, қисқача айтганда, бутун халқимизнинг овози баралла эшитилиб туради, десак, муболаға бўлмайди.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти халқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани — мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан марралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бундай хатларда тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли қирралари, халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий тақлиф ва хулосаларнинг ахамияти ҳақида сўз боради.

Уйлаймики, бу тўпلام Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққийтимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиликлар жараёни-ларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

Эътироф



Жануб жавоҳири

Юртбошимиз ҳар гал Сурхон воҳасига ташриф буюрганида вилоятни янада обод этиш борасида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган тақлиф ва ғояларни беради. Жумладан, Термиз давлат университетининг янги асосий ва бошқа ўқув бинолари барпо этилиши, «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари арафасида 10 минг ўринли «Сурхон» спорт мажмуаси, «Делфин» сузиш ҳавзаси, «Бахт ўйи», академик лицейлар, ўнлаб касб-хунар коллежлари, янги кўп қаватли тузаррой бинолари қуриб фойдаланишга топширилгани ана шу эътибор самарасидир. Дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати бир миллиард сўм бўлган «Ново Фарм» Ўзбекистон-Ҳиндистон, 4,5 миллиард сўмлик «Грант шифер», лойиҳа қиймати 700 млн. сўм бўлган қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Карвонгард Термиз» МЧЖ корхонаси, 1,5 млн. долларга тенг бўлган пиллани қайта ишловчи «Интер Силк Про» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси каби йирик sanoat марказлари фаолият юритаётгани эса худуднинг иқтисодий юксалишида муҳим ўрин тутмоқда.

Айниқса, лойиҳа қиймати 450 млн. АҚШ долларига тенг, узунлиги 210 километрдан зиёд «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темирўлининг ишга туширилиши воҳа ҳаётида янги саҳифа очди.

»(4-5).

Бирдамлик тимсоли

Мамлакатимизда 20-21 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 17 миллиондан зиёд киши иштирок этди

КОРАКАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Умумхалқ хайрия ҳашарида 1 млн. 362 мингдан зиёд ҳашарчилар ҳамжихатлик намуналарини кўрсатди. Икки кун давомида 1831 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

— Покиза ва саришталек азалий қадриятлардан ҳисобланади, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бошқаруви масъул котиби Максет Палимбетов. — 402 та маҳаллада яшовчи ижтимоий муҳофазага муҳтож 1706 хонадонга беминнат мурувват ёрдами уюштирилиб, тураржойлари таъмирдан чиқарилди.

Ҳашар давомида маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди, 997 км. ариқ ва зовурлар тозаланди. 746 та қабристон, 59 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу кун 973020 туп мева ва манзарали дарахтга шакл берилиб, оқланди. 1326 та эҳтиёжманд оила қўллаб-қувватланиб, 321 нафар ногирон ва ёлғизлар ҳолидан хабар олинди. Кўмакталаб оилаларга 67 млн. 838 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИда ҳам ҳашар юксак савияда ташкил қилинди. Энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш, юрт кўрғига кўрк қўшиш иштиёқи кекса-ю ёшга кўтаринки руҳ бағишлади. 878 мингдан зиёд аҳоли иштирок этган ҳашарда 2668 гектар майдон ободонлаштирилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Эҳтиёжмандлардан 1015 нафарининг хонадонни таъмирланиб, уй юмушларига қарашилди. Ушбу мақсадлар учун 81 миллион 438 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларга бир ярим миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

БУХОРО. Умумхалқ хайрия ҳашарида 903710 киши қатнашди. Улар томонидан 1496 гектар майдон ободонлаштирилди. Маиший, қурилиш чиқиндилари махсус жойларга чиқариб ташланиб, ариқ ва лотоклар тозаланди. Ҳашар юмушларига 1604 та транспорт воситаси жалб этилди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, уларга байрам совғалари топширилди.

НАВОЙИ. Вилоятнинг шаҳару қишлоқлари, овулларида ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса Навбахор, Хатирчи, Қизилтепа туманлари ҳамда Навоий ва Зарафшон шаҳарларида кўтаринкилик ҳукм сурди. 620 минг нафардан зиёд юртоқдошимиз қатнашган ҳашарда касаб аъзолари фаол қатнашди. Вилоят касаб аъзо уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳудудда ўтказилган хайрия ҳашарида 36 нафар ходим иштирок этди. Ҳудудни ободонлаштириш, 60 метр ариқлар, 75 метр йўлақлар-

мат кўрсатиш шохобчалари, спорт иншоотлари, янги боғлар барпо этилишига бўлган эътибор айна ҳашар кунларида авж олди. Кармана туманида «Деҳқон», «Дегадон» МФИ бинолари айнан ҳашар кунларида фойдаланишга топширилди.

Ҳашар кунларида вилоят бўйича 315 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийси, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларнинг 31 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-жойлари таъмирлаб берилди. Шунингдек, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларида яшовчилар, кўмакка муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга 123 миллион сўм миқдорда

ни тозалаш, 120 метр бардюларни ва 110 туп дарахтни оқлаш ва қуриган шохларни қирқиш, 1,7 тонна чиқиндини олиб чиқиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, бирлашма ходимларининг 8 нафари «Қассоблик» маҳалласи кўчаларини тартибга келтириш ишларида қатнашди. Кенгашига қарашли Ш.Рашидов номли оромгоҳ ҳудуди тозалаш, атрофни ободонлаштириш ишларидан аянда чирой очди.

САМАРҚАНД. Икки кун мобайнида умумхалқ ҳашарида 1 миллион 655 минг 445 киши қатнашди. Уларнинг 934 минг нафари ёшлардир. Худуддаги 4 минг километрдан ортиқ ариқ ва зовур тозаланиб, 2469 гектар майдонда обо-

лан чиқиб, боқувчисини йўқотган ҳамда имконияти чекланган ҳамюртларимиз хонадонларида гулзорлар барпо этишди, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими раиси Қодиржон Ризаев. — Айниқса, Андижон туманининг Ҳакан, Ёрбоши, Олтинкўл туманининг Қумакай қишлоқлари аҳолиси бу борада кўпчиликка ибрат бўлишиди.

Эътиборлики, ҳашар кунлари Андижон шаҳридаги «Мирпўстин», «Дўстлик» ҳамда Асака туманидаги «Юқори Бўз» маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Асака туманининг «Олақанот» ва «Ниезботир» маҳаллаларида савдо ва маиший хизмат объектлари



моддий ёрдам кўрсатилди.

СИРДАРЁ. Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган 586 мингдан зиёд ҳашарчилар гайрат-шижоати билан 1934 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳашар давомида маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, қабристонлар тартибга келтирилди. 627776 туп дарахт оқланиб, шакл берилди.

Анъанага кўра, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойи таъмирланди. 533 нафар эҳтиёжманд оилага ёрдам кўрсатилди, ногирон ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди.

ЖИЗЗАХ. 20-21 август кунлари вилоятнинг барча қорхона, ташкилот, идора ва муассасаларида ўтказилган хайрия ҳашарларида 217 минг нафардан зиёд касаб аъзо уюшмалари фаол қатнашди.

Вилоят касаб аъзо уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳудудда ўтказилган хайрия ҳашарида 36 нафар ходим иштирок этди. Ҳудудни ободонлаштириш, 60 метр ариқлар, 75 метр йўлақлар-

донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Шунингдек, қатор хайрия тadbирлари ҳам амалга оширилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, касаб аъзо уюшма ташкилотлари ва ҳомиёлар томонидан 3134 нафар ўзгалаш ёрдамга муҳтож фуқароларнинг уй-жойлари жорий таъмирдан чиқарилди. Боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, ёлғиз кексаларнинг 397 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

АНДИЖОН. Оммавий тadbирда 1 миллион 680 минг нафардан зиёд аҳоли вакиллари иштирок этди. Эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчилар гайрат билан 3 минг 300 гектар майдон ободонлаштирилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, зиёратгоҳ, қабристонлар тартибга келтирилди. 1 миллион 736 минг тупдан зиёд дарахтга шакл берилиб, оқланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди.

— Хайрия ҳашари кунлари гул ўстиришга ихтисослашган қатор маҳалла вакиллари ташаббус би-

очилди. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 14 нафар ёши улғу эҳтиёжманд, ногирон ва ёлғиз қарияларга телевизорлар тўхфа этилди.

НАМАНҲАН. Икки кун мобайнида 2 млн. 152 минг нафар наманганлик катнашган ҳашарда 772 та маҳалладаги 3880 та ҳудуд ободонлаштирилди. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, 1 млн. 962 минг тупдан зиёд дарахт ва буталарга ишлов берилди. Азалий думлардан бўлган ушбу савобли жараёнга касаб аъзолари ҳам ўз улушини муносиб тарзда қўшди. Жумладан, 400 мингдан зиёд касаб аъзо уюшма аъзоси юртин овод этиш ишларида гайрат-шижоат кўрсатди.

ФАРҒОНА вилотида ҳам умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоятдаги шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларида, қорхона, ташкилот ва муассасаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Икки кун мобайнида 2 млн. 550 минг нафардан зиёд ҳашарчининг саяй-ҳаракати билан 5680 гектар майдон ободонлашти-



рилди, 8544 тонна чиқинди ташиб чиқарилди. Ариқ ва зовурлар тозаланди.

Ҳашар давомида вилоятдаги қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 6 млн. 157 туп дарахт оқланиб, тартибга келтирилди. Ҳашарга 2 мингдан зиёд техника воситалари жалб этилди.

ҚАШҚАДАРЁ. Мустақилликнинг 25 йиллик байрами муносабати билан ободонлаштириш ва тозалаш ишлари доирасидаги умумхалқ хайрия ҳашари вилоятдаги барча қорхона, ташкилот ва муассасалар, маҳаллаларда юксак савияда ташкил этилди.

— «Қашқадарё соҳили санаторийси» МЧЖда ташкил этилган ҳашар давомида сиҳатгоҳини янада ободонлаштириш, дам олувчиларга қўшимча қулайликлар яратишга эътибор қаратилди, — деди муассаса раҳбари Икром Раҳимов.

— Маълумки, айни пайтда санаторийда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фахрийлари имтиёзли дам олмақда. — Таълим муассасаларида ҳам ҳашар уюшқоқлик билан ўтди, — деди Қарши енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежи касаб аъзо уюшма кўмитаси раиси Очил Қурбонов. — 50 нафар ходим иштирокида 11,2 гектар майдон ободонлаштирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди. 1586 та дарахт оқланиб, шакл берилди.

Хайрия ҳашари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, 9 гектарга яқин майдон ободонлаштирилиб, 5700 метр ирригацион лоток тозаланди. 222 та дарахт оқланди.

СУРХОНДАРЁ. Ҳашарда вилоят касаб аъзо уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тасарруфдаги туман ва шаҳар кўмиталари ҳамда 2500 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар ходимлари фаол иштирок этди.

— Икки кун давом этган умумхалқ хайрия ҳашарида 1 млн. дан ортиқ Сурухон аҳли шижоат кўрсатди, — деди вилоят «Маҳалла» жамоат хайрия фонди бошқаруви раиси Урол Тошбоев. — Улар ёрдамда жануб қишлоқларидаги уй-жойлар, қорхона, ташкилот, муассаса бинолари атрофлари тартибга келтирилди. Бир миллион

тупдан ортиқ турли мева ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг 23745 нафари умумхалқ ҳашарида иштирок этишди. Улар томонидан ариқ, зовур ва кўчалар тозаланди. 230 гектардан ортиқ майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 60 минг дон ҳар хил турдаги дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Қорхона, ташкилот ва муассаса атрофлари ободонлаштирилди.

Қорхона, ташкилот, идора ва муассасаларга бириктирилган маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.


ТОШКЕНТ. Умумхалқ ҳашарида ҳар қачонгидан кўра кўтаринкилик кўзга ташланди. Ешу-қари қўлни қўлга бериб, юрт ободлиги учун белини маҳкам боғлаб, эл қорига ярашдек савоб ва саховатпешаликка тўла ишларни сиқидилдан амалга оширди. 396076 киши 348 гектар майдонни ободонлаштириб, 328 тонна чиқиндини махсус жойларга ташиб чиқарди. 47 179 туп дарахтга ишлов берилди. 36 та қабристон, 7 та зиёратгоҳ, 2227 метр квадрат ҳажмдаги уй-жойлар обод қилинди. Бу ишларга 265 та техника воситаси жалб этилди.

Хусусан, Миробод туманидаги «Сарикўл» МФИда уюштирилган ҳашарда Темирийўл болалар шифохонасининг 40 дан зиёд шифокор ва ҳамширалари, маҳалланинг нуруний отахонлари, маҳалла фаоллари фаол иштирок этди. Маҳалла ҳудудини ободонлаштиришда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимлари ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

— Ҳашар шарофати билан маҳламлизи янада чирой очди, — деди «Сарикўл» МФИ раиси Маъруфжон Эргашев. — Жумладан, дарахтлар оқланиб, худудлар ободонлаштирилди. Саранжом-саришталек эса кўнгилларни чароғон қилиши азал-азалдан маълум.

Ўз мухбирларимиз

Ўзгал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида «Ўзбекская модель» развития: великое возрождение» («Тараққиётнинг «ўзбек модели»: буюк юксалиш») деб номланган китоб-албом нашрдан чиқди.

Тараққиётнинг «ўзбек модели» тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Правда Востока» газетаси ижодий жамоаси томонидан тайёрланган материаллардан жамланган. Уларда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт мазмун-моҳияти очиб берилган. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ва давлатимизнинг тарихий ютуқларига асос бўлаётган ислохотлар қўлама ёрқин мисолларда ифода этилган.

Чиройли безатилган, суратларга бой ушбу нашр ўзига хос мустақиллик со-

номасидир. Ундан Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш, умумэтироф этилган «ўзбек модели»ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, кўп миллатли жамиятимизда тинчлик-тотувликни сақлаш борасидаги саяй-ҳаракатлари ҳақида биллиб олиш мумкин. Китобда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, агросаноат ва транспорт соҳасини сифатли янгилаш, ёшларга оид давлат сиёсати ва кадрлар тайёрлаш, миллий маънавий тикланиш ҳамда ёшларни баркамол ривожлантириш мавзуларида ало-

ҳида боғлар бағишланган. Мақолаларда мамлакатимизда эришилган ютуқларни юксак баҳолаган таниқли халқаро мутахассислар ва олдий одамларнинг фикрлари келтирилган.

Китоб-албомнинг мақсади — кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни, 25 йил давомида нималарга эришганимизни содда қилиб тушунириш. Нашр кенг доирадаги китобхонлар, жумладан, давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимлари, олимлар, ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутахассислари, шунингдек, ёш авлод вакиллари учун мўлжалланган.

ЎЗА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ёш мутахассислар форуми



Ҳар йил ўтказиш анъанага айланган «Ёш мутахассислар» республика форуми ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва ташаббусларини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

«Ёш мутахассислар» IV республика форуми ташкил этилмоқда.

Унда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида меҳнат қилиб, ўз инновацион ғоя ва ишланмаларини илгари суриб келаётган энг фаол ва ташаббускор ёш мутахассислар, касаб аъзо уюшмалари, қатор вазирилик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишаётир.

Тadbирнинг илк кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан маданият ва санъат намояндалари иштирокида ташкил этилган «Ким эдигу ким

бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзусидаги тарғибот тadbирини ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, форум жараёнида ёш мутахассислар фаолиятига оид кўргазма, секция машғулотлари, ишланма ва инновацион ғоялар тақдими, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат ҳамда форум иштирокчиларини тақдирлаш маросими каби тadbирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Форум тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишиши мумкин.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари — хотин-қизларга

Байрам туфҳалари улашилди

Юртимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан республикамиз бўйлаб эҳтиёжманд аёллар, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларида тахсил олувчи иқтидорли талабаларга, шунингдек, Ватан тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбийлар оила аъзоларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг совғалари топширилмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шиори остида тadbир ташкил этилди. Эллиққалъа, Чимбой ва Кўнғирот туманларида бошланган шодиданалар Нукус шаҳрида давом этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси кўмига раиси Баҳамдулла Нурабуллаев, бирлашма кенгаши раиси Улуғбек Жалмоеновлар йиғилганларни энг улуг, энг азиз байрам билан қутлаб, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами кун сайин кенгайиб бораётганини эътироф этишди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳар йили аънавий тарзда амалга ошириб келинаётган саҳоват тadbирлари аҳолини хурсанд қилмоқда.

— Хайрли ишларга бош-қош бўлиш муруватлилик белгиси ҳисобланади, — дейди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Жениғсбой Аяпов. — Байрам арафасида ЎзКУФК номидан чекка овуларда истиқомат қилувчи 268 нафар аёлга ва 4 нафар ҳарбий хизматчи оиласига электр-машиий техника жиҳозлари топширган бўлса, 5 нафар аёлга санаторийларга бепул йўланма бердик. Шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган 15 нафар ҳарбий хизматчи ва ички ишлар ходимлари оилаларига моддий ёрдам қўрилди.

Тadbир давомида олий ўқув юрти ва касб-хунар коллежида таълим олаётган 21 нафар иқтидорли ёшга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини Кенгаши томонидан таъсис этилган стипендиялар сертификатлари ҳамда 10 нафар кўзи ожиз талабага махсус ўқув анжуми жамланмаса топширилди. Меҳнат илғорлари, давлат ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашувчи касаба уюшма аъзолари бирлашма кенгашининг фахрий ёрликлари билан мукофотланди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

СИРДАРЁ вилоятида истиқомат қилувчи 214 нафар аёл, 10 нафар иқтидорли талаба ва хизмат чоғида ҳалок бўлган 8 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи ҳам бундай эътибордан четда қолмади.

Сардоба туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шиори остидаги тadbирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев очиб, барчани яқинлашиб келаятган айём билан табриқлади.

— Истиқлол йилларида кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг меҳнати ни энгиллаштириш ҳамда уларнинг ижтимоий-машиий шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди К.Оқбўтаев. — Ушбу йўналишда касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётган. Мана, тўрт йилдирки, энг улуг ва энг азиз байрамимиз олдиндан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касаба уюшмалари — талабаларга», «Касаба уюшмалари —



ҳарбийларга» ва бошқа акциялар доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, вилоятимизда ҳам тadbирлар ташкил этилиб, асосий эътибор аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламга қаратилмоқда.

— Қишлоқ аёлларининг қўл меҳнати ни энгиллаштириш мақсадида электр машиий техника жиҳозлари туҳфа этилаётгани эътиборга моликдир, — дейди Сардоба тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулчехра Жумабекова. — Туманимиздан 24 нафар хотин-қизнинг хонадонига касаба уюшма совғалари кириб борди. Бу жиҳозлар аёлларнинг уй юмушини бажаришида асқотади.

— Менга ҳам кир ювиш машинаси совға қилишди, — дейди Сардоба туманидан Ибодат Атикова. — Олти нафар фарзандим бор. Анчадан буён шундай жиҳозни орзу қилардим. Ушбу совгадан бошим кўкка етди.

Тadbирда, шунингдек, хизмат чоғида ҳалок бўлган марҳум сержант Умарали Аманлиқовнинг оиласига моддий ёрдам сифатида пул маблағи топширилди. Шу кунги Сардоба туманидаги Пахтаобод қишлоқ ҳўжалик коллежи талабаси Зарифа Эштемирова касаба уюшмалари стипендиясига эга бўлди. Тиббиёт бирлашмасида лаборант вазифасида фаолият кўрсатувчи Жумагул Исоқовага эса «Умид гулшани» санаторийида даволаниш учун бепул йўланма топширилди.

Худди шундай тadbир Оқолтин туманидаги Оқолтин гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўтказилиб, 14 нафар аёлга электр машиий техника жиҳозлари ва бир нафар иқтидорли талабага касаба уюшма стипендияси топширилди.

Байрам тadbирни куй-қўшиқ ва шўх рақсларга уланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА вилоятининг Бувайда туманидаги «Баркамол авлод» мусиқа мактабида ўтказилган байрам тadbирига Учкўприк, Данғара, Бағдод, Бувайда туманларидаги камҳарж оила вакиллари, фахрийлар, меҳнат ва жамоат ишларида фаолият кўрсатган хотин-қизлар, кўзи ожиз талаба-ўқувчилар, мустақиллик йилларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи ва ички ишлар органлари ходимлари оила аъзолари таклиф этилди.

Тadbирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила

Нарбаева иштирок этиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тadbир давомида чекка қишлоқларда яшовчи 95 нафар эҳтиёжманд оила аёлларига электр машиий техника жиҳозлари, 10 нафар кўзи ожиз талаба-ўқувчи га махсус ўқув қуроллари, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган 11 нафар ҳарбий хизматчи оилаларига моддий ёрдам, 7 нафар ёш оила бекаларига санаторийларга бепул йўланма, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг 29 нафар талаба-ўқувчисига касаба уюшма стипендиялари топширилди.

— Улғим ва келиним иккинчи гуруҳ ногирони, уларни йўқлаб, байрам билан қутлагани учун ҳуқуқимиз ва касаба уюшма ташкилотларига миннатдорлик билдираман, — дейди Учкўприк туманидан Малика Ғоипова. — Менга ҳам кир ювиш машинаси совға қилишди. Бундан жуда хурсандман.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тadbирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

КАШҚАДАРЁ вилоятининг Касби, Шахрисабз ва Ғузор туманларида ўтказилган маданий-маърифий тadbирларда чекка қишлоқларда яшовчи 337 нафар аёлга электр машиий техника жиҳозлари, 27 нафар иқтидорли талаба кизга энг кам иш ҳақининг олти баравари микдорига касаба уюшма стипендияси топширилди. Шунингдек, 10 нафар кўзи ожиз ўқувчи га ўқув қуроллари, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 7 нафар ҳарбий хизматчи ва ички ишлар ходимлари оилаларига моддий ёрдам ҳамда 7 нафар ёш оила вақилига санаторийларга бепул йўланма берилди.

Касби тумани ҳоқимлигида ўтган тadbирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов сўзга чиқиб, истиқлол берган имкониятлар, юртимиздаги осойишталик, тараққиёт ва юксалишлар замиридаги одилона сиёсат, аёлларга, хусусан, оналарга эътибор ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра, аёлларга қулай шароит яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи

ўринлардан бирини эгаллайди. «Болаларни асрайлик!» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига мамлакатимиз болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамҳўрлик кўрсатаётган энг илғор 10 та мамлакат қаторига киритилгани соҳада олиб борилаётган изчил ва мантиқий ислохотлар самараси эканлигига ортиқча изох қолдирмайди.

— Тўрт нафар фарзандим бор, — дейди тadbир давомида кир ювиш машинаси билан тақдирланган Миришкор тумани «Ободон» маҳалласида яшовчи Ирода Тўрақуллова. — Рости, мендек оддий уй бекасига бунчалик эътибор кўрсатилишини қутмагандим.

— Диёримизда мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи тантаналарни бошлаб кетди, — деди Қарши тумани «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида яшовчи Муқаддас Саидова. — Байрам арафасида касаба уюшмаларининг бундай хайрли ишларидан бошимиз кўкка етди. Қишлоқ аёлларининг қўл меҳнати ни энгиллаштираётгани учун Федерация Кенгашига ташаккуримни билдираман.

Шахрисабздаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида кўшни Китоб, Чироқчи, Яқкабоғ ва Қамаш туманларидан келган хотин-қизларга электр машиий техника жиҳозлари совға қилинди.

— Шахрисабз тумани Кутчи қишлоғида яшайман, — деди Хабоба Турсунова. — Касаба уюшма совғаси бизга энг азиз байрамдан эсдалик бўлди.

— Бугун унутилмас кун, — дея сўхтабга қўшилди Чироқчи тумани хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Мухлис Абдуллаева. — Чунки менга касаба уюшма стипендияси берилди. Бу эътибор ва рағбат янада яхшироқ ўқушга, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

— Яқкабоғ тумани тиббиёт бирлашмасидан тўрт нафар хотин-қиз касаба уюшмалари совғасини олишга муваффақ бўлди, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Рустам Узоқов. — Яна бир ходимимиз Дилфуза Мухаммадиевага «Умид гулшани» санаторийсига йўланма берилди. Йилдан-йилга касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя тadbирлари аҳолининг барча қатламини қамраб оляпти.

Ғузор туманидаги 4-болалар ва мусиқа санъат мактабида ҳам шундай тadbир ташкил этилиб, касаба уюшма совғалари ўз эгаларига топширилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини ва соҳа вакиллари

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий қутлайди.

Ватан равнақи, юрт истиқболи йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Оилавий бахт, соғлиқ, тинчлик, хурсандчилик Сизни асло тарк этмасин.

Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!



Интеллектуал турнир



Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Чинобод» санаторийсига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Заковат» телевизион интеллектуал турнири ташкил этилди.

«Заковат» интеллектуал кўрсатуви билан ҳамкорликда ўтказилган турнирда турли касб эгаларидан иборат жамоалар билан салоҳият борасида ўзаро куч синашди.



«Заковат» беллашуви

Беллашувда 12 та жамоа қатнашди. Тиббиёт соҳаси вакиллари «Авиценна», авиация ходимларининг «Юксак парвоз», машинасозлик саноати вакиллари «Машинасозлар», банк ходимларининг «Еш банкирлар», таълим соҳаси вакиллари «Интеллект», темир йўл соҳаси ходимларининг «Локомотив», ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация

ходимларининг «Алоқачи», архитектура ва қурилиш соҳаси вакиллари «Бунёдкор», нефть-газ соҳаси вакиллари «Аланга» ҳамда тadbиркор ва фермерлар жамоаларининг ҳар бири қанчалар зуқко ва билимдон эканлигини амалда намоён этди.

Шунингдек, телевизион турнирда «Заковат» интеллектуал клубининг иккита жамоаси ҳам

ходимлар жамоаси билан тенгма-тенг беллашди.

Ҳар бир баҳсда жамоаларга турли соҳа ва йўналишларга оид 4 тадан кизикарли ва мантиқий саволлар берилди. Саволларга 20 сония вақт оралиғида ечим топиш ҳамда махсус тугмани рақиблардан олдинроқ босган ҳолда, жавоб бериш белгилаб қўйилганлиги тезкорлик ҳам ўта муҳим омиллардан

бири эканлигини кўрсатди.

Турнир давомида барча соҳа вакиллари ўз имкониятларини яна бир бор синашдан ўтказишди. Ярим финалда нефть-газ соҳаси вакиллари «Аланга» жамоаси темир йўл ходимларининг «Локомотив» жамоаси устидан қўшимча саволларга кўра қўлга киритган очколарни эвазига галабага эришган бўлса, «Заковат» билимдонларидан иборат икки жамоа ўртасидаги баҳсда Жобир Аҳмедов сардорлигидаги жамоанинг қўли баланд келди.

Кизгин кечган финал баҳсида барча рақибларидан устун келган нефть-газ соҳаси вакиллари «Аланга» жамоаси «Заковат» интеллектуал клубининг тажрибали билимдонларига имкониятни бой берди. Уйин Жобир Аҳмедов сардорлигидаги жамоа галабаси билан яқунланди.

Телевизион турнир давомида барча иштирокчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзКУФК юридик бўлим юрисконсулти.
Сулаймон ХАЙДАРОВ олган суратлар

Менга сўз беринг

Мустақиллик шукӯҳи

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг Бухоро вилояти
бўйича масъул ташкилотчиси:



— Деҳқон фарзандиман. Қишлоқда туғилиб вояга етдим. Узини бахтли инсонлардан деб ҳисоблайман. Чунки нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олиш, меҳнат фаолиятимнинг жўшқин наллари айнан мустақиллик йилларига тўғри келди. Маълумки, у даврнинг удуғлиги, кадр-қиммати эртанги кунни аниқ ҳис эта билш орқали намён бўлади. Истиқболнинг

орда қолган 25 йилни мос равишда аввалги йиллар билан қиёсланса, инсон ҳаёти ва унинг келажаги учун амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ер билан осмончалик фарқ қилишини пайкаш қийин эмас.

Фаолиятим тақозоси билан кўпинча қишлоқларда, аграр соҳа ходимлари орасида бўламан. Жойларда меҳнат аҳлининг ютуқлари, уларнинг яшаш шароитлари кескин яхшиланаётгани, фарзандлар камолоти йўлидаги гамхўрликлар, ободончилик ва бунёдкорлик, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарининг тобора мустаҳкамланаётгани, табдиркорликка кенг йўл очилгани кишини тўққилантириб юборади. Ушбу жараёнлар замирида Юртбошимизнинг бевосита доно ва оқилона сиёсати мужжасам эканини бугун барча юртдошларимиз яхши англайди.

Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган янгиликлар ва ислохотлар, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизни яна ҳам юқори поғонага олиб чиқди. Бу борада касаба уюшмаларининг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бораётганлигини эътироф этиш жоиздир.

Бугунги кунда Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган 339 та бошланғич ташкилотларимизда 113 853 нафар касаба уюшма аъзолари мавжуд. Уларнинг 763 нафарини жорий йилнинг биринчи ярмида сафимизга қўшилган ходимлар ташкил этади.

Келажаги буюк давлатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз шукроналик ва масъулият билан янада самарали фаолият кўрсатишимизга даъват этади.

Алижон МАМАРАСУЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Юртга муносиб фарзанд бўлиш, авваламбор, ҳар бир фуқародан билимли бўлишни талаб қилади. Бу эса таълим соҳаси ходимларига ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифалар юқлайди. Бугун мамлакатимизга гайрат-шижоатли ва иқтидорли мутахассисларга эгалиги учун ҳам мамлакат тараққий топмоқда. Фуқаро ўз имкониятларини тўла намён қила олган жойдагина шундай ютуқларга эришиши мумкин.



Яқинда Сингапур давлатида математика фани бўйича халқаро мусобақада бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли минтақаларидаги мактабларда таҳсил олаётган 780 нафар билимдонлар қатнашди. Ватанимизнинг 5 нафар вакили SIMOC — 2016 ғолиблари қаторидан жой олиб, олтин медал нишондори бўлди.

Истиқлол туфайли ўзбекининг болалари буюк аждодларига муносиб ворис эканликларини намойиш қилмоқда. Ватанимизнинг фахрлишига лойиқ ютуқлари жуда кўп ва шунинг қилиб инсон билан айта оламани, бундан буён ҳам зафарли одимларимиз давом этаверади.

Бахтиёр ТУРОПОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Юрт истиқлоли Ватанинг кадр-қиммати янада теранроқ англаш, уни кадрлаш имконини берди. «Ким эдигу ким бўлди» деган сўзлар замирида кенг маъно мужжасам. Мамлакатимизда табдиркорлар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши қанчадан-қанча ноёб қобилиятларни шакллантирди. Уларнинг интилишлари самараси

ўлароқ иқтисодий ютуқларни қўққилар сари дадил қадам қўймоқда. Иқтисодий ривожланишимизда, айниқса, кичик бизнеснинг улуши сезиларли даражада ошиб бораётган.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами шарафига касаба уюшмалари ҳам катта ташаббус кўрсатди. Ҳар бир туман ва шаҳарда жамоат ташкилоти кўмаги билан 25 тадан иш ўрни яратилди. Биринча бизнинг вилоят миқёсида олганда, 400 нафардан ортиқ киши касаба уюшма кўмагида мумкин иш ўринларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Истиқлол — бизга беназир кўмак, чексиз имконият ва шарт-шароитлар яратиш бердики, биз унинг қадрига етишимиз, унинг равақи йўлида бор куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

Бу муқаддас Ватанда



Уша Суратлари

Барча жойда бўлгани каби Сурхон ахли ҳам мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Президентимизнинг «2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини амалга ошириш мақсадида жорий йилда 610 та лойиҳа бўйича 1,5 триллион сўм маблағ сарфлаштириш режалаштирилган. Бугун вилоятнинг барча туманлари ва Термиз шаҳрида катта ҳажмда қайта қуриш ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, Термиз шаҳрининг 5-кичи даҳасида Хотира ва кадрлаш хиббони фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг кичик халқа йўли бунёд этиляпти. Шунингдек, Амударё спорт-соғломлаштириш маркази, 700 ўринли санъат саройи... Термиз Археология музейида эса кенг кўламда қури-

Жануб жавоҳири

лиш ва ободонлаштириш ишлари олиб бораляпти. Яна бир эътиборли жиҳат, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Республика бюджет ҳисобидан Термиз хайвонот боғи, кўгирчоқ театри, Қирқиз қалъаси, Султон-Саодат, Фаёз-рида катта ҳажмда қайта қуриш ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, Термиз шаҳрининг 5-кичи даҳасида Хотира ва кадрлаш хиббони фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг кичик халқа йўли бунёд этиляпти. Шунингдек, Амударё спорт-соғломлаштириш маркази, 700 ўринли санъат саройи... Термиз Археология музейида эса кенг кўламда қури-

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

да 31 та кўп қаватли тураржой биноси бунёд этиш кўзда тутилган. Вилоятимизда транспорт, сервис хизмати сифатини ошириш ва яхшилаш борасида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Бойсун, Ангор, Қизирик туманлари ва Термиз шаҳрида янги автобекат бунёд этилмоқда. 114 та янги «SUZU» автобуси сотиб олинди. Олтинсой, Денов, Бойсун, Қизирик, Ангор, Жарқўрғон туманлари ва Қизирик туманининг Бандихон

эга бўлган 335 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада, 14256 та янги иш ўрни яратилди. Бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан тузилган бу дастур ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ доимий мониторинг олиб бормоқда. Бугунгача 55,6 миллион доллар қийматида 183 та лойиҳа амалга оширилди. Йил давомида эса 156,6 млн. доллар миқдорда 309 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 7183

сий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси ҳам вилоятимизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида 463 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Натижада, бундай корхоналар айни пайтда вилоятимизда 10511 тага етди. Аҳолини мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш ва бу борада экспорт ҳажмини кўпайтириш мақсадида жами 3347,7 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилиши белги-ланган. Воҳада боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавот етиштириш тизимли равишда ривожланмоқда.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида 1048 та намунавий тураржойда ховли тўйлари бўлади. Бугун Сурхондарёнинг қаерига бормайлик, ким билан учрашмайлик, олиб бораётган кенг кўламли ўзгаришлар нафасини ҳис этамиз. Хуллас, наинки Термиз шаҳри, балки Сурхон замини кун сайин чирой очиб, мамлакатимиз жанубининг чинакам жавоҳирига айланаётган.

Тожимурод МАМАРАЙМОВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
Сурхондарё вилояти
хўкимси

Бунёдкорлик

Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалласининг адоғи дарёга туташиб, тикан билан қопланиб ётарди. Бугун ушбу худудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари дарё соҳилига янгича ҳаёт бахш этмоқда.

Соҳилда қад ростлаётган оромгоҳ

— 1,5 километрлик сув иншооти қураямиз, — дейди «Тўпаланг» қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи Дилмурод Бўтаёров. — Яқинда бу ерда кўркам боғ, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилади.

Қурилиш майдонидаги ишбоши Файрат Омоннинг айтишича, жамоа умумий майдони 6,2 гектарлик худудда қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Барпо этилаётган Амударё спорт-соғломлаштириш маркази таркибидан 3 та 50 ўринли ёғи, 1 та 50 ўринли киши ётоқхона, 200 ўринли ошхона, реабилитация маркази, очик сув ҳавзалари ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлади. Асосий бинолардаги қурилиш ишлари том ёпиш ва пайвандлаш босқичига етган.

184 кишидан иборат жамоа иншоотни муддатидан олдин фойдаланишга топшириш ниятида кўлни-кўлга бериб меҳнат қилаётган. Хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси масалалари катъий назоратга олинган. Ишчилар махсус пойабзал, кийим-бош ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган. Дам олиш учун ҳамма шароит мўжайб. Қурувчиларга кунига уч маҳал иссиқ овқат берилмоқда.

Уз муҳбиримиз

Маҳсулотлар экспортга

Бандихон қовунлари

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган илмий-тектириш институтининг «Бандихон» тажриба хўжалиги миришкорлари ҳар йили мевали боғ ва узумзорларни кенгайтириб, элимиз дастурхонини нознеъматга тўлдирмоқда. Маҳсулотларнинг бир қисми экспортга чиқариляпти. Масалан, бу йил Россия ва Қозоғистонга 56 тонна олча жўнатилди. Усмон Рўзиёев, Йўлдош Саидов, Хуррам Турсунов, Ҳамид Икромов каби ижарачи боғбонлар мўмай даромад кўришди. Бунда уларга хўжаликда ташкил этилган «Наврўз Қизирик Ҳамкор» агрофирмаси амалий кўмак берди.

Миришкорлар эртапишар қовун-тарвуз етиштиришда ҳам бой тажрибага эга. Боғбонлар ёш нихоллар ораллигига қовун-тарвуз экишади. Бу йил ҳам тажриба хўжалиги ерларида қовун этилди. «Бойсун Агро» МЧЖ ишбилармонлари ижарачилардан 41 тонна қовун харид қилиб, Россия ва Қозоғистонга жўнатишди.

Чилонжийда ширин бўлгани учун унга тез қурт тушади. Вақтида қурашилмаса, мева ярқисиз ҳолга келади. Икки йилдирки, ишбилармон Йўлдошхон Зик-

риёев 5 гектар майдондаги чилонжийда дарактларнинг хар тупидан 60-70 кг. гача ҳосил олмақда.

— Тажриба хўжалиги билан шартнома тузиб ишляяпман. Ижарага олинган биримда минг тупга яқин ҳосилга қирган



Анвар МЕНГИЁЗОВ

Шукрона

Аҳил жамоамиз билан энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг чорак асрлик қутлуг санасини ёруғ юз билан нишонлаш арафасида турибмиз. Айтиш жоизки, 1200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамиз ривожланишининг ойдин йўлга чиқиб олган. Бу борада ҳуқуматимиз томонидан яқиндан кўрсатилган кўмак айни муддао бўлди.

Корхонамизга хоржий давлатлардан ускуналар олиб келиб ўрнатилиб, юқори сифатли олий, биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир жамиятимизда 2 та тегирмон тўла қувват билан ишламоқда. Ҳар бир тегирмоннинг кунлик иш кўрсаткичи 600 тоннани ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ механизациялашган. Сифатли ун тайёрлаш мақсадида донни қайта ишлаш технологиясига катъий амал қилинапти. Тўйинтирилган омухта ем ишлаб чиқариш кўрсаткичи кунлик 250 тоннани ташкил этмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсақ, ўтган йили 49408 тонна темир моддаси билан бойитилган ун, 41935 тонна омухта ем савдо корхоналарига чиқарилди. Ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига бу кўрсаткич-

ларни жорий йилнинг 6 ойда қўлга киритдик. Шуниси қувончлики, ишчиларимизнинг 60 фоизи корхонанинг етакчи кучи ҳисобланган шижоатли йигит-қизлардир. Шу боис корхонамизда маҳсулот тайёрлаш суръати ошиб, кунлик кўрсаткичлар 1,5-2 баравар ортиги билан адо этиляпти. Масалан, жорий йилнинг 6 ойда вилоят аҳолисида қарий 70 минг тонна юқори навли ун маҳсулоти етказиб бердик. 37 минг тонна омухта ем ҳам ишлаб чиқардик.

Маҳсулотларимиз чет давлатларга экспорт қилинапти. Корхонада урулгил галла тайёрлаш шохобчаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўтган мавсумда Шўрчи, Денов, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги фермер хўжалиқларига қарий 10 минг тонна серхосил, арпа ва буг-

дой уругини етказиб бердик. Жамоамиз амалга ошираётган ишлар кўламини кенгайтириб, юксалиш йўлидан дадил қадам ташлаб бораётиш. Корхонада нафақат донни қайта ишлаш, балки ёрдамчи тармоқларни ҳам кенг тараққий эттириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Мисол учун,

сулотлари етказиб берилмоқда. Кичик корхонада ҳар кунги бир тоннага яқин гўшт, 1,5 минг литр сут қайта ишланаётган. 10 нафар ходим ишлаб чиқараётган 6 хилдаги ширинликларга мижозлардан кўплаб буюртма тушмоқда. Корхонага қарашли «Шўрчинона» тикувчилик цехида тайёрлана-

Юксалишга

жамият тасарруфидаги ёрдамчи тармоқларда 6 турдаги сифатли нон, 8 хилдаги макарон маҳсулоти тайёрланапти.

Шўбба бўлинмалар ҳисобидан янги лойиҳаларни ишга тушираётишимиз. Масалан, гўшт ва сутни қайта ишлаш шўбба корхонасига Исроиил ва Эрон давлатларидан жиҳозлар келтирилган. Ускуналарни ўрнатилиш, ишлатиш борасида маҳаллий аҳоли вакилларининг 24 нафари тажриба оширди. Ҳозир шохобчаларда иш қизғин кечаяпти. Воҳа ахли дастурхонига 5 хилдаги қолбаса, 8 турдаги сифатли сут маҳ-

сулотлари етказиб берилмоқда. Кичик корхонада ҳар кунги бир тоннага яқин гўшт, 1,5 минг литр сут қайта ишланаётган. 10 нафар ходим ишлаб чиқараётган 6 хилдаги ширинликларга мижозлардан кўплаб буюртма тушмоқда. Корхонага қарашли «Шўрчинона» тикувчилик цехида тайёрлана-

ётган бежирим кийимлар, рўзгор буюмлари, полиэтилен қоплар сифатидан ҳам харидорлар мавжуд.

Наслдор қорамолларни етиштириш фаолиятининг яна бир қирраси ҳисобланади. Ёрдамчи хўжаликда чет давлатдан келтирилган 65 бош зотдор мол зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинапти. Жорий йилнинг 6 ойи давомида 54 бош зотли бўзқол олинди.

102 гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришимиз. Бу йил барога уруғи қадалган 40 гектар ердан мўл дон-дун йиғиб олдик.

азиздир инсон!

Фаолиятга назар

Меҳр аввал биздан бўлсин

Бебахо неъмат саналмиш истиқлол касабա уюшма ташкилотлари фаолиятга ўзгача мазмун-моҳият киритди. Эндиликда бевосита меҳнат кишига яқин бориб, унинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлаёلمиз, ҳаёти мазмунли ва фаровон бўлишига ҳисса қўшиб келаямиз. Демакки, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган широнин амалда оқлаш борасидаги саяё-ҳаракатларимиз бесама қарғаб кетмаптир.

Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-сановат палатаси ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун тузилган Бош келишувга биноан вилоятда Минтақавий келишув имзоланган. Шу асосда тасарруфдаги 2580 та бошлангич ташкилот етакчилари иш берувчилар билан ижтимоий шериклик таъминларига тўлиқ амал қилиб, меҳнат кишининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш борасида ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, ҳар қандай шартнома ва келишув фақат ижроси билан қувлайди. Иккиланмай айтиш мумкинки, 400 минг нафарга қарин касабա уюшма аъзолари сафи янгидан тузилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчилар ҳисобига кенгаймоқда. Давлат дастурлари асосидаги ўнлаб вазифалар изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётгани босиб, касабա уюшмаларининг халқ орасида нуфузи ортаятти.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи саналмиш қишлоқ ҳўжалиги соҳасида жадлаштирилаётган ислохотлар юксак самара бераётди. Эндиликда барча туманларда фермерлар кенгаши, қишлоқ

ва сув ҳўжалиги бошқармалари тўлақонли фаолият олиб бораёпти. Етиштирилаётган мўл ҳосил замирида эса қишлоқ меҳнатқашларининг ғайрат-шижоати мужассамдир. Тизимда амалга оширилаётган жамоа шартномалари орқали 200 минг нафардан ортиқ ишловчининг манфаатлари қамраб олинган.

Вилоят ҳокими тасдиқлаган жадвал асосида Термиз шаҳри ва барча туманларда ҳокимлик мажмуалари, бирлашма билан биргаликда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касабա уюшма фаоллари иштирокида «Худудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик тўғрисида», «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Келишув ва шартномалар ижросига доимий эътибор қаратиб келинаётир. Чунончи, тизимдаги корхоналарда ишлаб пенсияга чиққан, байналмилалчи, фахрий, эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар аъзоларидан 200 нафарга ҳар йили тиббий хизмат муолажалари харажатлари қоплаб берилади. Жамоа шартномалари орқали 2280 нафар аёл иш берувчилар томонидан моддий рағбатлантирилади. Хомилдор ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар би-

лан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги қаттиқ назоратга олинган. 4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларга иш ҳақидан бир соатга қисқартирилган. Зарарли шартномаларда ишлаётган аёллар махсус кийим-бош, сут махсулотлари билан таъминланиб, уларга ойлик иш ҳақидан даромад солиғи ундиришда имтиёзлар берилмоқда.

Коллеж битирувчиларининг корхоналарда амалиёт ўташи ҳамда у ерда доимий ишлаб қўлишини таъминлаш бораберида, энг кам иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи микдорида бир марталик моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган. Жойларда ижтимоий масалаларни ҳал этишда аҳоли реал даромадларини ошириш учун шахсий томорқадан фойдаланиш, паррандачилик, асаларчилик, қуён боқисини ривожлантириш, иссиқхоналар қурилишига амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «Обод маҳалла», «Обод хонадон» кўрик-танловлари ўтказилиб, голиблар рағбатлантириб борилаётди.

Мустиқиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ижтимоий ҳимоятлаб, кўп болали оилалар, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга касабա уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида чекка туманларда яшовчи 214 нафар хотин-қизга электр машиши техника жиҳозлари тарқатиш, олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг

10 нафар кўзи оғир талаба-ўқувчисини махсус плеер ва ўқув анжомлари билан таъминланди. «Касаба уюшмалари — ёшларга» акцияси доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юрларида таҳсил олаётган 23 нафар иқтидорли талабага касабա уюшма стипендиялари берилди. «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» тадбири ташкил этилиб, хизмат вази фасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимлари оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди. «Соғлом она — соғлом бола» широи остида фарзанд кўрмаган ёш оилалардан 14 тасига «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма берилди. Бу каби эзгу тадбирларнинг саногии йўқ...

Жорий йил ёзги мавсумда 18200 нафар бола оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда. Хар галгидек, кўп болали оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари бепул йўлланмалар билан таъминланган. Хар бир аъзонии ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан республика ва вилоят миқёсидаги сихатгоҳларда соғломлаштиришни йўлга қўйганмиз. Туризмни ривожлантириш дастури доирасида эҳтиёжманд оила вакилиларидан бир гурӯҳини юртимизнинг тарихий масканлари ва муқаддас қадимжоларига саёхат қилдириб келаямиз. Меҳнатқашлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида спорт тадбирлари мунтазам ўтказилаётир.

Фаолиятни янада кенгайтирган ҳолда, «Меҳр аввал биздан бўлсин» деган эзгу тиланини кўнглимизга жойлаб халқимизга беминнат хизмат қилиш бош аъломизга айланган, десак асло хато бўлмайдик.

Абдуқарим АҲМЕДОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Йиғилиш

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув маркази қошидаги Ўқув-услубий кенгашнинг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўқув-услубий кенгаш фаолияти

Унда кенгаш фаолияти ва ўқув жараёни, худудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида бошлангич ташкилотлар етакчиларининг уч кунлик ўқув курсларини уюштириш, жорий йилда касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш бўйича намунавий мавзулар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ўқув-услубий кенгаш раис ўринбосари У.Ташкенбаев мазкур кенгаш таркибига тажрибали, соҳани яхши биладиган мутахассислар ҳамда тармоқлар ва вилоят бирлашмаларидан мутахассислар киритилганини айтиб ўтди. Кенгашнинг асосий вазифаси касаба уюшмалари тизимида таҳлим соҳасида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, қабул қилинган таълим концепциясининг ижросини сифатли бажариш, ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш, соҳада яратилаётган ўқув адабиётларини белгиланган талаблар асосида расмийлантириш, тақриздан ўтказиш, нашр қилиш, жойларга етказиш ва бошқа ишларни амалга оширишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудирини, Ўқув-услубий кенгаш котибини Р.Самарбеков «Худудларда ташкил этилаётган ўқув аудиторияларда бошлангич касаба уюшма раислари малакасини ошириш жараёнларини йўлга қўйиш» мавзусида фикр юртди.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўқув учун масъул этиб белгиланган бўлим мудирини О.Исмаилов эса бирлашма қошида ташкил этилган ўқув аудиторияси керакли асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлангани ҳақида маълумот бериб, ўқув семинарларини ўтказиш бўйича тақдимотини намойиш этди.

Шунингдек, Ўқув маркази томонидан 2016 йилнинг 2-чорагида ўтказилган масофавий малака ошириш курси таълилий ҳисоботи тингланди.

Йиғилиш сўнгида келгусидаги режалар ҳамда жорий йилнинг иккинчи ярим йиллиги давомида марказда бошлангич ташкилотлар раисларининг малака ошириши бўйича ўқув дастури, намунавий мавзулар тасдиқланди. Ўқувларга етук мутахассислар, етакчи таълим муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда Ўқув марказининг ўқитувчи-тренерларини танлов асосида таклиф этиб бориш вазифаси белгиланди.

Наргиза ЖўРАБЕКОВА

Ибрат

«Нурафшон» фермер ҳўжалиги нафақат Узун тумани, балки вилоятда ҳам пошқадам. Чунки ҳўжалик раҳбари Абдулхамид Хусанов ишининг кўзини биладиган инсон. Узоқ йиллар қишлоқ ҳўжалиги тизимида ишлаб, соҳанинг барча сир-асрорини пухта ўрганган. Хар бир ишда «Етти ўлчаб бир кес» нақлига амал қилади. Айтиш жоизки, бу йил фермер ҳўжалиги давлатга 232 тонна сара дон топтириб, шартнома режасини ортиги билан уддалади.

Фермернинг саховати

— Ҳозир бор эътиборни ўза парваришига қаратганмиз, — дейди миришкор деҳқон А.Хусанов. — Ҳосил нишоналари кўпайгани сайин ўсимликнинг озуқага, сувга талаби ошиб бораверади. Шунки ҳисобга олган ишчилар Лутфулло Расулов, Шароф Мадатов, Собир Бобоев тондан шомгача мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

— Фермер ҳўжалиги тузилган йили дала четига пайвандланган олча қўнатларидан келтириб ўтказилди, — дейди ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Умар Хусанов. — Шу ниҳоллар бутун ҳосилдор дарахтларга айланган. Утган йили 24 тонна мева сотиб, 12 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил эса 15 тонна олча териб олдик. Мустиқиллигимизнинг 20 йиллигига хар бир касаба уюшма аъзоси 20 тупдан мевали дарахт қўнати ўтказгандик. Ҳозир улар ҳам мевага кириб, гарқ пишиди. Амалдаги жамоа шартномасига асосан ишчилар ва қишлоқ аҳолисига 20-40 кг.гача бепул олча тарқатдик. Бундан ташқари, 8 нафар оила фарзандларини оромгоҳларда дам олдирик.

Ўз мухбиримиз

Ҳосилдорлик гектар бошига 57 центнерни ташкил этди. 41 гектар майдонда етиштирилаётган гўзалар баравж ўсмоқда. Қолган ерда беда, полиз ва сабзавот экиллари етиштирилаётди. Корхона қошида балиқчилик, паррандачилик ҳам йўлга қўйилган. Ҳозир ка-

қошида мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, унда ишчи-хизматчиларнинг 140 нафар фарзанди таълим-тарбия олишаётди.

Хайрия тадбирлари, ободончилик ишларида ҳам фаолмиз. Мисол учун, корхона томонидан туманимиздаги эҳтиёжманд оилаларга моддий

ЮЗ ТУТДИК

саначилик асосида 100 дан ортиқ хонадонда 10000 та товук боқилмоқда. Улардан олчига 25 минг донадан ортиқ туғим олинаётти. Балиқчилик ҳам корхонага катта фойда келтираётти. Бу йил 250 миллион сўмлик балиқ махсулотини савдога чиқариш ниятидამиз. Жаоманинг руҳи тетик, кайфияти чоғ. Ишчиларининг ўртача ойлик маоши 850 минг сўмдан ошди.

Корхонада ходимларнинг ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустиқамлаш учун барча қулайли яратилган. Замонавий ўйингоҳ ва футбол клубига эгамиз. Корхона

ёрдам кўрсатилади. Хар йили Наврўз ва Мустиқиллик байрамларида ўнлаб болажонларимизнинг суннат тўйини ўтказиб, уларга банкда омонат дафтарчалари очаямиз. Бу йил ёш келин-куёвнинг никоҳ тўйини ўтказиб бердик. Тумандаги 21-умумтаълим мактаби, 68-махсус ихтисослашган мактаб-интернати корхонамиз оталигида. Шу босиб, ушбу таълим масканларида тез-тез бўлиб, ўқувчиларга совға-салом улашамиз.

Омон ЧўТОВ,
«Шўрчидонмахсулотлари» ОАЖ бош директори

Тадбиркорга омад ёр

«Artel»нинг термизлик маликаси

Термизда Майрам Умуrowани кўпчилик билади. У эсини танибдики, одамлар орасида, тинимсиз меҳнати орқасидан ризқ топади. Ишлаганда ҳам айримларга ўшаб шунчаки кун ўтарга эмас, йўқдан бор қилиш, борини кўпайтиришни дилига тўлиб меҳнат қилади. Савдо билан шуғулланиб келаётганига ҳам чорак асрдан ошди. У ишни дастлаб бозорда озиқ-овқат махсулотлари савдоси билан бошлади. Ортттирган маблағини йиғиб, тижорат бозоридан дўкон олди. Якка тартибдаги тадбиркор мақомида Самарқанд, Хоразм гилам пойндоzлари савдоси билан шуғулланди. Фарзандлари воёга етиб, ёнига киргач, бошқа шахарлардан электр ва машиши техника жиҳозлари келтириб сотди. Фаолияти кун сайин кенгай борди. Натижада, шаҳарнинг С.Соҳибов кўчасида «Электроника дунёси» фирма дўконини очиб, 5 кишини доимий иш билан таъминлади.

Шу ўринда Майрам Умуrow ва тадбиркорлик йўлида ҳамкор мурад бўлаётган кенг имконият ва имтиёзларни алоҳида мамнуният билан тилга оларкан, «Ҳамкорбанк»нинг Термиз филиали раҳбар ва ходимларидан миннатдор эканлини алоҳида таъкидлади.

— Тўғрисини айтсам, уларнинг ёрдами билангина хусусий тадбиркорликнинг равон йўлига тушиб олдик. Банкнинг аввалига 50 миллион, кейин эса икки бор 100 миллион сўмдан ажратган кредити ишимизга барака киритди.

Ун йилдирик, маҳалла ҳуснига кўрқ бўлиб турган савдо тармоғидан харидору мижозларнинг қадами аримайди. Кимга ясси телевизор, тагин бировга чангютигуч иситиш пещи... Сотувчи-ю, ходим-хизматчиларнинг қўли-қўлига тегамайди. Фақат шунинг ўзи эмас, олинган товарларни манзилга етказиш ва ишлатиб беришни ҳам жамоа ўз зиммасига олган. Яна бир қулай жиҳати, кимматбаҳо жиҳозларни олувчилар учун имконият яратилгани, истеъмол кредити усулидаги олди-сотди шартномасининг жорий этил-

гандир. Бу хайрли юмуш билан соҳада тажриба ортттирган, ҳисоб-китоб билимдонини Саломатхон шуғулланади. Изланганга имкониятнинг ўзи келаркан, «Artel» компанияси бундан икки йил олдин Термизда фирма дўконини очиб таклифи билан чиқди. Бу Майрам Умуrowа учун айни муддао бўлди. «Ҳамкорбанк»нинг Термиз бўлимидан яна 1 миллиард 400 минг сўм кредит олди. Шунинг эвазига бино сотиб олиниб, таъмирланди, жиҳозланди. Эндиликда мухташам бино шаҳарнинг бош кўчасига ўзгача тароват бағишлаб турибди. Энг муҳими, яна 4-5 киши иш билан таъминланди. Бугун воҳа аҳлига 30 турдан зиёд замонавий, қулай ва бежирим машиши техника буюмлари етказиб берилмоқда. Бу ердан хоҳлаган молни пластик карточка, пул ўтказиш ёки истеъмол кредити орқали харид қилиш мумкин. Шу йилнинг ўтган даврида аҳолига бир миллиард сўмлик ашё-воситалар кредитга сотилган. Кондиционер, музлатгич, телевизор, газ ва электр плиталари, уяли телефону чан-

гютич — барчаси «Artel» товлари. Кўриб кўз қувонади. Изма-из келаётган харидору мижозлар тартиб билан чиройли йиғиб қўйилган ашё-буюмларга кўз ташлаб, уларнинг нарх-навоси-ю қандай ишлаши, таъриф-тавсифини суриштиради. Хушумоала ва чалдаст Шароф, Шавкат эл хизматидан толмайди. Улар Майрам Умуrowанин Уғилларнинг Кошона бекаси беш нафар фарзандининг онаси, ўн уч неваранинг сууюкли буювжониси. Уғил-қизларнинг барчаси уй-жойли. Бири иш юритувчи бўлса, бошқаси иш боши, мутахассис-уста. Юмуш кўпайганда кўёву келинлар ҳам ҳозир ноэир.

Мустиқиллик Майрам буви каби нуронийларимизни ёшартирган бўлса, яратилаётган имконият ва имтиёзлар уларнинг ғайратини оширмоқда. Шунинг эвазига элга тўйлар беришиди, ҳовли-жойларини обод қилишиди, учта янги автоуловли бўлишиди. Фаолиятдан келаётган фойданинг бир қисмини кредитга тўлаётган бўлишса, хайр-эҳсон ва савоб ишларни ҳам эсдан чиқаришаётгани йўқ. Кейинги 5-6 йиллик даромаддан ўзимизда ишлаб чиқарилган ўн битта автобус харид қилиб, Термиз шаҳрининг энг чекка йўналишига қўйдиришгани ҳам ўзига хос бағрикенглидир.

Ха, нафақада бўлишига қарамай, тажриба ва ғайратини ишга солаётган тадбиркор Майрам Умуrowа захматкаш ва бағрикенг халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан, бунда оз бўлса-да ўзию фарзандларининг камтарона хиссаси борлигидан мамнун. Эл-юрт корига камабаста бўлаётганига, ҳур ва обод юрда умргузаронлик қилаётганига ҳаммиша шукрона келтириб яшайди.

Ўз мухбиримиз



Кўшақифани «Ishonch» мухбирлари Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ ҳамда Рустам ДАВЛАТОВ тайёрлади.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Маъмурият мени икки ҳафта муддатга вилоятга хизмат сафарига жўнатмоқчи. Эшитишимча, аёлларни хизмат сафарига жўнатишда маълум чекловлар мавжуд экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Н.ХОЛБОЕВА,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 228-моддасига кўра хомилдор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ унга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланганга мажбур.

Шунингдек, ногирон фарзандини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар бир кунлик иш куни микдоридан ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни, хар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан қўшимча таътил берилади ва улар таътиллари хоҳишига кўра ёз ойларида ёки ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтда олиши мумкин.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

САВОЛ: Турмуш ўртоғим билан оила қўрғанимизга 10 йил бўлаётти. Аммо ўртамизда фарзанд йўқ. Шу сабабли бола асраб олишга қарор қилдик. Шу мақсадда ФХДЭ бўлимига бориб учрашган эдик, улар судга муурожаат қилишимиз кераклигини маслаҳат беришди. Шу тўғрими?

А.СУЮНОВА,
Тошкент вилоти

ЖАВОБ: 2013 йил қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга асосан фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилмоқда. Бунинг учун фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судига муурожаат қилинади. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қондалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар, васийлик ва ҳомийлик органлари вакили, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қонуний қучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида ФХДЭ органи фарзандликка олинган боланинг тугилиши қайд этилган даволатнома ёзувига зарур ўзгартиришлар киритиши лозим. Фарзандликка олишни расмийлантириш учун ФХДЭ органига суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олувчининг тугилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

Саволга Ангрэн шаҳар 2-сон ФХДЭ бўлими мудираси Умида ЭРГАШЕВА жавоб берди.

ОММАВИЙЛИК САРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида 18-20 август кунлари турли вазирилик, идора ва жамоат ташкилотлари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кубоги» учун республика мусобақаси бўлиб ўтди.



Анъанавий турнир

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад вазирилик ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асосла-

ри орқали муҳофаза қилиш, спорт ва жисмоний тарбия ходимлар кундалик иш жараёнининг бир бўлагини ташкил этишни таъминлашга қўмаклашиш ҳамда вазириликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган хо-

димлар ўртасида спортнинг мини-футбол тури оммавийлигини оширишдан иборатдир.

Мусобақада 24 та вазирилик, идора ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимлардан таркиб топган жамоалар ўзаро мусобақалашди.

Кутилганидек, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касб касалликларидан муҳофаза қилиш ҳамда турли соҳа ходимлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган турнир юқори савияда ўтди.

Қизгин беллашувлар якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирилиги, Олий суд, Соғлиқни сақлаш вазирилиги жамоалари кучли учликни ташкил этди.

— Бу каби мусобақалар спортнинг ушбу турини оммавийлаштирибгина қолмай, ишчи-хизматчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади, — деди Адлия вазирилиги жамоаси вакили Баҳодир Раҳмонов.

— Утган йили ҳам турнирда иштирок этиб, жамоамиз голибликни қўлга киритган эди. Бу йил ҳам ушбу муваффақият-

ни такрорладик. Бундан жуда ҳам мамнунмиз. Бироқ таъкидлаш жоизки, иштирокчилар сони ортиб бориши баробарида, жамоалар маҳорати йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман, — деди ИИВ вазирилиги жамоаси вакили Бахтиёр Исмоилов.

— Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан турли соҳа вакиллари ўртасида «Касаба-тур» вело-марафони, «Соғлом турмуш сари» шиори остидаги тармоқлараро спартакиадалар, «Соғлом оила», «Биз — спортчилар оиласи» каби оилавий мусобақалар мунтазам ўтказиб келинаётир. Келгусида бундай мусобақаларни янада кўпроқ ташкил этишни режалаштирямиз, — деди Федерация Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Гулчехра Жўраева.

Голиб ва совриндорларга, шунингдек, барча жамоаларга ЎзКУФК томонидан таъсис этилган махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, «Ғалабага бўлган интилиши юкса жамоа», «Энг маҳоратли хужумчи», «Энг яхши техник маҳорат учун», «Энг ёш иштирокчи», «Энг ёши улуг иштирокчи», «Энг яхши дарвозабон», «Халол ўйин (Fair play) учун» номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Ғолиблар муносиб тақдирланди

Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси ҳамкорлигида давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, тармоқ ишчи-ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Бўстонлик туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Геолог» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мини-футбол, волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси ва бадминтон бўйича ўтказилган спартакиадада 300 нафарга яқин тармоқ ходими иштирок этди.

Кизиқarliи ва муросасиз кечган спорт баҳсларида тармоққа қарашли Марказий Ўзбекистон геология тасвирлаш, излаш экспедицияси, «Ялпи геология тасвирлаш излаш экспедицияси, Марказий лаборатория», «Геолог» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Шарқий Ўзбекистон геология кидирув излаш экспедицияси, Минерал ресурслар институти ишчи-ходимлари спорт мусобақаларида етакчи эканликларини исботлашди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан келган ишчи-ходимлар мусобақаларда иштирок этиш билан бирга, сўлим гўшдада мириқиб хордик чиқаришди.

— Ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган бу спорт мусобақаларида мунтазам равишда қатнашиб келаман дейди, — мусобақа иштирокчиси «Ялпи геология тасвирлаш излаш экспедицияси ходими Сетора Ҳайдарова. — Ушбу спартакиадада иштирок этиб, соғлигимизни мустаҳкамлаш баробарида, худудлардан келган ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишдик. Айтиш жоизки, бу ёрдаги шароитларнинг аъло даражада ташкил этилгани бизни хурсанд қилди.



Юртимизда спортга қаратилаётган эътибор барчамизни бирдай хурсанд қилади. Айниқса, сўнгги йилларда спорт билан шуғулланувчиларнинг сони ошиб, бу жараёнда касабаси уюшма ташкилотларининг ўрни ортиб бораётганини қўқайиб қолмай. Бундай мусобақаларнинг таъкид этилиши, ишчи-ходимларнинг спортга бўлган қизиқиши ортишига, соғлом турмуш тарзи тарғиботида катта ўнган таъди, — деди Минерал ресурслар илмий тадқиқот институти ходими Шавкат Хидиров.

Спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросимида барча голиб ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг дипломи, кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Р. ЖўРАЕВ,
Тармоқ касабаси уюшмаси Республика Кенгаши мутахассиси

Қизгин ва муросасиз

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Кимё ва фармацевтика соноати ходимлари касабаси уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида ўтказилган мини-футбол бўйича мусобақалар қўнланди. Уч босқичда ташкил этилган мазкур спорт мусобақасининг Республика тармоқ босқичи Чирчик шаҳрида бўлиб ўтди.


Мусобақадан кўзланган мақсад ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг футболга қизиқишини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилишдан иборатдир.

Биринчи босқичда 20 дан ортик корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган 200 нафарга яқин ишчи-ходим иштирок этди. Голиб деб топилганлар 4 та худудий босқичда — Фарғона шаҳрида (Анджон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича), Навоий шаҳрида (Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари), Нукус шаҳрида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари бўйича), Чирчик шаҳрида (Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича) навбатдаги саралашдан ўттишти. Натияжада, якуний республика босқичида иштирок этувчи жамоалар номи аниқланди.

«Максам-Чирчик» АЖ спорт клубида ўтган якуний босқичда «Фарғонаазот» АЖ, «Кўнғирот сода заводи» УК, «Максам-Чирчик» АЖ, Сурхондарё вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» ХАЖ жамоалари тўп суришти. Кескин ва муросасиз баҳсларга бой кечган мусобақа натижасига кўра Сурхондарё вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» ХАЖ, «Фарғонаазот» АЖ ҳамда «Максам-Чирчик» АЖ мини-футбол жамоалари кучли учликдан жой эгаллади.

Тадбир сўнггида голиб ва совриндор жамоалар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ аёллар жамият ҳаётида муносиб мавқега эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилиб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. «UZKABEL» акционерлик жамияти кўшма корхонасида ташкил этилган тадбир ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қанчалар аҳамиятга молик эканини кўрсатди.

Соғлом турмуш

маънавий баркамолликка етаклайди

«Жамиятни демократлаштиришда, оила ва корхонада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусидаги семинар тренинг Металлургия ва машинасозлик соноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши, «UZKABEL» акционерлик жамияти кўшма корхонаси, жамиятнинг хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

Тадбирнинг Тошкент вилояти Хондайлик қишлоғида жойлашган «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилиши унга янада кўтаринкилик бағишлади. 50 га яқин иштирокчи қатнашган ва икки кун давом этган ушбу тадбирни тармоқ Республика кенгаши раиси Аҳмадjon Ҳақулов кириш сўзи билан очиб, семинар иштирокчиларини мустақиллигимизнинг кутлуг 25 йиллик санаси билан қизгин табриқлаб, маданий-маърифий ишларни ташкиллаштиришда кенгаш томонидан олиб борилаётган фаолиятга эътиборни қаратди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш бўйича кенгашнинг бош юристконсулти Шавкат Ҳамроқулов маъруза қилиб, мавзу юзасидан йиғилганларни қизиқтирган қатор саволларга атрофлича жавоб берди. «UZKABEL» шифохонаси» шифокори Шахло Азмидинова эса хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини тиклаш, тиббий куриқнинг афзалликлари ҳақида гапирди.

Семинарнинг кейинги босқичи жамиятда меҳнат қилаётган аёллардан иборат тўрт жамоанинг дўстона беллашувлари билан янада файзли кўриниш олди. «Салом, бу бизлар!» деб номланган чиқишлар ҳар бир жамоа билан яқиндан танишиш имкониятини берган



бўлса, «Қувноқ экспресс» ўйини, Ўзбекистон тарихи ва миллий маданиятимиз билан боғлиқ саволлар асосида ўтказилган викторина, спорт мусобақалари, психологик амалий машғулот ва намойиш этилган концерт дастурлари янада кўтаринки кайфият улашди.

— Корхонамизда 500 га яқин хотин-қиз меҳнат қилади, — дейди хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Шойра Турсунова. — Жамоамиз жуда аҳил ва бамъурия, касабаси уюшма қўмитаси, «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилиб фаолият юритаётгани натижасидир. Бугунги тадбиримиз ҳам ушбу йўлда хизмат қилишига ишонаман.

Байрам кайфиятини улашган тадбир ниҳоясида иштирокчиларга тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгашининг совғалари тақдим этилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА

2016 йил 22 сентябр куни соат 11:00да Термиз шаҳри, Ф.Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «Бобур Баҳром Ўғли» хусусий фирмаси туғатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 АЈ 988 бўлган «КАМАЗ-55102» Зернавоз русумли техник таъмирталаб ҳолдаги автомашинасининг бошланғич баҳоси — 1 916 000 сўм.
2. «Истара» фермер хўжалиги туғатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75 / 713 ЕАА бўлган «LADA 21074-110-30» русумли техник таъмирталаб ҳолдаги автомашинасининг бошланғич баҳоси — 4 875 000 сўм.
3. «Истара» фермер хўжалиги туғатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 2016 йил 22 сентябрдаги аукцион савдосида сотилган тақдирда тақдирий аукцион савдосида 2016 йил 7 октябр ва 24 октябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўти-

кида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
3. «Сурхондарётелеком» шўба корхонасига тегишли бўлган 1985 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 АС 885 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли техник таъмирталаб ҳолдаги автомашинасининг бошланғич баҳоси — 5 402 000 сўм.
Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли «Сурхондарётелеком» шўба корхонаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Юқоридаги мулк 2016 йил 22 сентябрдаги аукцион савдосида сотилган тақдирда тақдирий аукцион савдосида 2016 йил 7 октябр ва 24 октябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўти-

шини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закатат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закатат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.
Талабдорлар «Заказат пули» объект бошланган баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда за-

казат пулини «SURXON SAVDO INVEST» маъсулияти чекланган жамиятининг «НАМКОРБАНК» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (+998 94) 201 04 04.
Ҳизматлар лицензияланган.



қўмиталари етакчилари ҳамда фаоллари учун ўтказилган ўқув-семинар ҳам қизиқarliи ва сермазмун кечди. Унда бир қатор мавзуларда маърузалар тингилди. Яқунда касабаси уюшма етакчиларининг билими тест саволлари орқали синалди.
Сўнгра уларга фаолиятда фойдаланиши учун «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вақилларни ўқитиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш юзасида намунавий дастур», «Касаба уюшмаси органида иш бевручининг тақдимномасини кўриб чиқиб тартиби», «Корхоналарда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни таъминлаш борасида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятининг устувор йўналишлари» ҳамда корхона, ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш юзасида қўлланмалар тарқатилди.

Собиржон МУСАЕВ,
«Тошкентгазтаъминот» УК касабаси уюшма қўмитаси етакчи мутахассиси

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Республика Кенгаши тармоқнинг Музабод туман кенгаши раиси
Норменгли ХУДОЙНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Қутлуғ байрамга муносиб тўхфа

Медаллар жамғариш бўйича 207 давлат орасида 21-ўринни эгаллаганимизнинг ўзиёқ юртимизда спортнинг қанчалик ривожланиб бораётганидан дарак бериб турибди. Бу кўрсаткич билан Осиё қитъасида 4-ўрин, МДХда 2-ўрин, Марказий Осиёда эса 1-ўринни банд этганимиз қалбимизни фахру гурурга тўлдирди.

(1).

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Мустақил Ватанимизнинг илк ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам бу масалага нечоғли улкан эътибор қаратилаётганидан далolatдир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуксиз спорт тизимининг аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун кўпга давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган.

Усиб келаётган ёш авлодни жисмоний соғлом, маънавий етуқ этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқро майдондаги обуру-этиборини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини зарур инвентарлар, мураббий ва мутахассислар билан таъминлаш, ёшларнинг нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этишига кенг имконият яратишга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётган.

Ана шундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган миллионлаб ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спортни ҳаётининг ажралмас бўлаги, кундалик эҳтиёжга айланган. Бу уларнинг жисмоний камолотида, халқро мусобақаларда эришаётган юксак галабаларида ўз ифодасини топмоқда.

Шу ўринда эътиборингизни жорий этилган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларининг Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилишига қаратамиз. Бунда маҳорат ва кўникма уйғунлиги кўлга ташланади. Бунинг натижаси ўлароқ, мусобақаларда жисмонан ва руҳан чиққан, тажриба ва маҳоратини оширган кўпга спортчиларимиз энг нуфузли спорт анжуманларида — қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Уларнинг галабалари шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграмоқда.

«Универсиада» ўйинлари 15 спорт тури — баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, дзюдо, энгил атлетика, оғир атлетика, стол теннис, сузиш, тазквондо (WTF), теннис, футбол, шахмат, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилмоқда. Ушбу спорт турларининг деярли барчаси Олимпиада дастуридан жой олган. Унда мамлакатимиз худудларида ўтган саралаш мусобақаларида голиб чиққан йигит-қизлар қатнашмоқда. Олимпиадада иштирок этиб, юксак натижаларни кўлга киритган спортчиларнинг катта қисми айнан шу мусобақаларда тобланиб, тажриба ва маҳоратини оширган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мустаҳкам қўйилган пойдевор, узқони кўзлаб ва пухта уйлаб танлаб олинган йул бугун ўз самарасини бераётган. Бундай галабалар халқимизга чексиз кувонч тақдим этади. Олимпия ўйинлари давомида ҳар бир ўзбек хонадонидан байрамона шуқуҳ ҳукм сурди. Инчунун, бу кувонч мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантаналарига уланиб кетиши, шубҳасиз.

УЛАР — БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ!

Тўрт йилликнинг энг муҳим мусобақаларидан бирида юртдошларимизнинг иштиро-

ки ҳақида батафсил тўхталамиз. Рио Олимпиадасида 70 нафар вакилимиз 14 та спорт турида юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ушбу мусобақада энг кўп медални боксчиларимиз кўлга киритишди. «Чарм кўлқоп» усталаримизнинг 7 нафари медалли бўлди. Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғоибназаров олтин, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев кумуш, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев бронза медалларини газнамизга қўшиб қўйди. Эътибор қилган бўлсангиз, вакилларимиз спортнинг ушбу турида медал жамғариш бўйича Куба, Қозоғистон ва Россиядан ташриф буюрган рақибларини ортда қолдирганлиги кўп нарсани аниқлатади. Шу тариқа, мамлакатимиз «чарм кўлқоп» усталари XXXI ёзги Олимпия ўйинларида жамғарган медалларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўринни Куба (3-0-3), учинчи ўринни эса Франция (1-2-2) терма жамоаси банд этди.

Яна бир муҳим янгилик, бу — энг энгил вазн (-49 кг.) тоғасида Рио — 2016 Олимпиадасида иштирок этган ва олтин медални кўлга киритган боксчимиз Ҳасанбой Дўстматов турнирнинг энг яхши боксчисига берилган Вэл Баркер кубоғи билан тақдирлангани бўлди.

1934 йилдан буён Вэл Баркер Кубоғи AIBA қўмитаси талқинига кўра Олимпия ўйинларида энг ёрқин жанглари олиб борган боксчиларга тақдим этилади. Ўз вақтида кубалик 3 карра Олимпиада чемпиони Теофило Стивенсон, энг совриндор боксчи, украинлик Василий Ломаченко кабилар ҳам шундай муқофот билан тақдирланган. 2012 йилги Лондон Олимпиадаси якунида эса Вэл Паркер кубоғи Қозоғистон вакили Серик Сапаевга берилган.

— Бу бутун Ўзбекистоннинг галабасидир. Мен оғоз ва обод юрда туғилиб вояга етганлигимдан ва халқро майдонда Ўзбекистон номидан майдонга чиқаётганлигимдан доимо фахрланаман. Мухтарам Президентимизнинг биз ёшларга қарата «Маррани доимо юқори олинг, эро Ўзбекистон ёшлари ҳеч қандам кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган» деган сўзлари қалбимга муҳрланган. Фурсатдан фойдаланиб, биз спортчиларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва кўрсатилаётган гамжўрлик учун давлатимиз ҳамда ҳукуматимиз раҳбариятига чексиз миннатдорлигини билдирмоқчиман. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни энг азиз, энг улғу байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлайман, — деди Ҳасанбой Дўстматов ОАВ вакиллари билан сўхбатда.

— Бу мен учун биринчи Олимпия ўйинлари ва фаолиятимдаги илк Олимпиадада кумуш медал совриндори бўлганимдан жуда ҳам хурсандман. Узингиз гувоҳи бўлганингиздек, финалга қадар ўта жиддий рақибларга тўқнаш келдим. Айниқса, чорак финалдаги жанг мен учун ўта оғир кечди. Аслида, Олимпия ўйинларида кучсиз рақибнинг ўзи бўлмайдиган ва шу боис рақибларимни қанчалар номдор бўлганлиқларига эътибор бермай, совринли ўринларни банд этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига ўзига хос совға хозирлашни дилгима тўғдим. Бугун ниятларим ижобат бўлди. Бундан буён Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятими сафарбар қиламан, — деди Шаҳрам Ғиёсов.

Кутилганидек, оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов ўзига билдирилган ишончни оқлай олди ва Олимпиада рекордини қайд этган ҳолда, олтин медал соҳибига айланди.

Шунингдек, икки нафар доводчимиз Дийрбек Ҳрозбоев ва Ришод Собиров Олимпиададан дастлабки икки кунда бронза медалларини кўлга киритиб, зафарли одимларни бошлаб беришди.

Тажрибали полвонимиз Элмурот Тасмуродов юнон-рум кураши бўйича ҳамда икки эркин курашимиз Ихтиёр Наврўзов ҳамда Магомед Ибрагимов ҳам бронза медаллари билан тақдирланди.

Спортчиларимиз ичида энг ёши — тазквондоч Нигора Турсунқуловадан ҳам умидимиз катта (17 ёш). Узининг еттинчи Олимпиадасида иштирок этган, афсонага айланган улгурган гимнастикачимиз Оксана Чусовитина (41 ёш)га эса миннатдорлик билдиришга бурчлимиз.

РАҚАМЛАР

Медаллар жамғариш бўйича АҚШ терма жамоасига етадиган мамлакат топилмади. Америкаликлар жами 121 та медални кўлга киритишди. Шулардан 46 таси олтин, 37 таси кумуш, 38 таси бронза медалларидир. Иккинчи ўринни Буюк Британия терма жамоаси банд этди. Уларнинг умумий медаллари сони 67 та ташкил қилди. Олтин медаллар сони 27 та, кумуш 23 та, бронза эса 17 тани ташкил этди.

Хитой терма жамоаси 26 та олтин, 18 та кумуш, 26 та бронза медалини кўлга киритиб, учинчи ўриндан жой олди.

Олимпиадада жами 59 та давлат терма жамоаси бир нафардан Олимпиада чемпиони эга бўлди. Етмиш учта терма жамоа ҳисобида эса камида биттадан кумуш медал бор. Саксон еттига мамлакат терма жамоаси эса камида биттадан бронза медалини кўлга киритди.

Олимпиада 5 август кунини олдани, асосий мусобақалар Рио-де-Жанейро шаҳрида кечди, фақат футбол бўйича ўйинлар турли шаҳарларда ўтказилди.

Бу илк марта Жанубий Америка қитъасининг Олимпиадада мезбонлик қилиши бўлди. Шунингдек, 1968 йилдаги Мехико Олимпиадасидан кейин Лотин Америкаси мамлакатидан илк марта Олимпия ўйинлари ўтказилиши бўлди.

Олимпиадада 306 та медаллар шодаси ўйнади, иштирокчи делегациялар сони бўйича рекорд натижа қайд этилди — 206. Косово ва Жанубий Судан терма жамоалари биринчи марта Олимпиадада иштирок этди.

САЛОМ, ТОКИО!

Олимпиада ўйинларининг ёпилиш маросими Рио-де-Жанейродаги «Маракана» стадионида бўлиб ўтди. Мусобақаларда 11 мингдан ортиқ спортчи иштирок этди.

Олимпиадада спортнинг 28 та тури бўйича 306 та медаллар шодаси кўлга киритилди. Бу гал 27 та жаҳон ва 91 та Олимпиада рекорди ўрнатилди.


Рио-де-Жанейро мэри Эдуардо Паес Олимпиада байроғини 2020 йилги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қиладиган Токио губернатори Юрико Кокега топширди. Шу тариқа XXXI ёзги Олимпия ўйинлари поёнига етди.

Айни кунларда юртимизнинг барча худудларида байрам шуқуҳи кезмоқда. «Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шiori остида нишонланган мустақиллигимизнинг 25 йиллик айёми арафасида спортчиларимиз кўлга киритган ютуқлардан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Бизнинг кўчамизда байрам, азизлар! Осмонни мусаффо, бағрикенг, қўли очик элга эса байрам тантаналар ярашади! Галабаларимиз бардавом бўлсин!

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» муҳбири.
А.Илёсов («Жаҳон» АА, сурат)


Истиқлол йиллари олти бор ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимизнинг жами кўлга киритган медаллари эндиликда 33 тани ташкил этади. Шундан 9 таси олтин, 7 таси кумуш ва яна 17 таси бронза медалларидир.




Бектемир Мелиқўзиев
бокс бўйича кумуш медал соҳиби



Дийрбек Ҳрозбоев
дзюдо бўйича бронза медал соҳиби



Муроджон Аҳмадалиев
бокс бўйича бронза медал соҳиби




Магомед Ибрагимов
эркин кураш бўйича бронза медал соҳиби



Элмурот Тасмуродов
юнон-рум кураш бўйича бронза медал соҳиби



Рустам Тўлаганов
бокс бўйича бронза медал соҳиби



Ихтиёр Наврўзов
эркин кураш бўйича бронза медал соҳиби

MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir
Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshvov

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba kunlari
chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishli
shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A Abdullayev

Navbatchi:

D.Oripov
Musahhil:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 00:30
Topshirish — 01:00

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 3 bosma tabaq.
Buyurtma T — 815.
14176 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATMB «Ishonch» Banki Yashnabod filiali,
Bank kodlari: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 67100